

УДК:338

*Юлдуз Пирназаровна Урунбаева*

Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти и.ф.ф.док., доцент

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИГА ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ КИРИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация** - мақолада Ўзбекистонда янги-“музей туризми”ни ташкил қилиш ва ривожлантириш миллий туризмимиздаги долзарб масалалардан бири эканлиги, туризм таълимидаги бакалаврият ва магистратура йўналишларига киритиш, музей фондларида сақланиб келаётган бой тарихни, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, туризмни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** аждодлар, мерос, экспонат, саҳродаги Лувр, стратегия, археология, кўчмас мулк, музей-қўриқхона.

**Аннотация** - в статье организация и развитие нового «музейного туризма» в Узбекистане является одним из актуальных вопросов нашего национального туризма, включая его в бакалавриат и магистратуру по туристическому образованию, сохранению, изучению и приумножению уникальных и редких экспонатов. которые отражают богатую историю, хранящуюся в музейных фондах, даны предложения и рекомендации по шагам нашей независимости, чтобы идти, выносить и пропагандировать их по всему миру, широко используя их в сознании нашего народа для укрепления чувства национальной гордости и гордости. , независимость и верность Родине, обеспечение туризма высококвалифицированными специалистами в соответствии с требованиями времени, укрепление материально-технической базы.

**Ключевые слова:** предки, наследие, экспонат, Лувр в пустыне, стратегия, археология, недвижимость, музей-заповедник.

**Abstract** - in the article, the organization and development of the new "museum tourism" in Uzbekistan is one of the urgent issues in our national tourism, including it in the bachelor's and master's courses in tourism education, preserving, studying and enriching the unique and rare exhibits that reflect the rich history preserved in the museum funds, the steps of our independence. proposals and recommendations are given for going, taking out and promoting the world, using them widely in the minds of our people to strengthen the feelings of national pride and pride, independence and loyalty to the Motherland, providing tourism with highly qualified specialists in accordance with the requirements of the time, strengthening the material and technical base.

Key words: ancestors, heritage, exhibit, Louvre in the desert, strategy, archeology, real estate, museum -reserve.

**Кириш:** Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳасида бўлгани каби маданий соҳада ҳам туб бурилиш ясади. Жумладан, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратила бошланди. Ҳеч бир халқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига беқиёс улуш кўшган кўҳна заманимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осори-атиқалар, неча минг йиллик топилма ва ашёлар, нодир кўлёмалар наинки халқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади.

Туризмдаги халқаро экспертларнинг хулосалари бўйича давлатларда туризмнинг ривожланиши даражалари давлатда туризмнинг кўплаб турларини ривожлантиришга

боғлиқ. Ривожланган давлатларда бу туризмдаги янги тенденцияга айланди. Мамлакатимизнинг миллий туризмида ҳам янги истиқболли турларни ривожлантириш йўналишида жадал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Халқимизнинг миллий маданий меросидан туризмда фойдаланишда “Миллий маданий мерос туризми” тури таклиф қилинди<sup>1</sup>, халқаро туризмда тобора ривожланиб бораётган гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш йўналишида муҳим тадқиқотларнинг натижалари ҳам эълон қилинмоқда<sup>2</sup>. Халқаро туризмдаги янги тенденцияларни, йўналишларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда янги-“музей туризми”ни ташкил қилиш ва ривожлантириш миллий туризмимиздаги долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз ва бу мавзунини туризм таълимидаги бакалаврият ва магистратура йўналишларига киритишни таклиф қиламиз.

**Материаллар.** Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий ҳол. Бу борада эса музейларнинг ўрни беқиёс. Чунки улар ўтмишдан келган маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси бўлиб, амалдаги тартибларга мувофиқ сақланади ва намойиш қилинади. Музейлар бу аждодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина бўлиб, у йиллар давомида бойиб боради<sup>3</sup>. Ҳар бир оилада музейнинг бир элементи мавжуд. Ота-она, бобо-момоларимиздан бизга мерос буюм, фотосуръат ёки хужжат бўладими биз авайлаб-асраймиз ва ўз фарзандларимизга улар тўғрисида фахр билан сўзлаб берамиз. Мерос бўлган ашёлар, инсоният ижоди маҳсули сифатида яратилган санъат асарлари сараланиб, музейлардан жой олади ҳамда умуминсоний бойликка айланади. Аждодлардан мерос бўлган анъаналар ва урф-одатларни, фарзандлар ва набираларга айтиб бериш, мерос қолдириш орқали инсоният тадрижий ривожланиб бораверади.

Мамлакатимизда ҳам туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун тегишли ҳуқуқий замин яратилди. “Туризм тўғрисида” қонун қабул қилинди. Ўнлаб турли қонуности хужжатлари яратилди. Туризм жадал ривожланадиган соҳага айланиб бормоқда. Чунки бизда туризмнинг катта салоҳиятлари мавжуд. Буларни инобатга олиб, мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да ушбу соҳа иқтисодийнинг етакчи тармоғи сифатида жадал ривожланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Самаров Х.Қ, Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда миллий мерос бойликларидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари, Phd. автореферати, Самарқанд, 2023, 64 б.

<sup>2</sup>Қаҳҳоров Ж.А., “Ўзбекистонда гастрономия туризмини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари”. “СЕРВИС” илмий-амалий журнали, 2019 йил. №3-сон. 83-88 б.

<sup>3</sup> Урунбаева, Ю. П. (2013). Хизмат курсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: узаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. *Монография. Тошкент: «ФАН», 156.*

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори.

Мазкур қарорда белгилаганидек, Республикамизда туризмни ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг кенгайтирилиши шакллантиришда музейларимиздан туризмда фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида<sup>1</sup>(Тошкент ш., 2018 йил 26 август) қуйидагилар белгиланган:

-аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологиялари кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

-мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

-музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур Қарор ватанимиздаги музейлар фаолиятини тараққиётга бошлайди. Бу тараққиётга мамлакатимизнинг миллий туризми ҳам ўзининг самарали илмий-амалий тадқиқотлари ва меҳнатларини қўшиши лозим. Миллий туризмда музейлардан фойдаланишни ташкил қилиш ва ривожлантиришга жадал киришишимиз керак.

Иккинчидан, мамлакатимизда сўнги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлодларнинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айни вақтда, дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф қилган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистонда халқаро миқёсларда маълум ва машҳур бўлган музейлар бор. Шунинг учун ҳам, туризм таълимидаги бўлғуси мутахассислар туризм соҳасидаги “Музей туризми” тури орқали музейлардан туризмда фойдаланишни ташкил қилиш ва ривожлантириш механизмларини яхши ўзлаштириши керак.

Ҳукуматимизнинг деярли барча қарорларига туризмни ривожлантириш масалалари киритилганлиги миллий туризмда янги йўналишларни, туризмнинг янги турларини ташкил қилишни талаб қилади. Навбатдаги вазифа - Ўзбекистоннинг миллий туризмида янги тур-“музей туризми”ни ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни кучайтиришимиз лозим.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди<sup>2</sup>. Қарорга мувофиқ Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда унинг минтақалараро (минтақавий) давлат инспекциялари негизида Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Департамент моддий маданий мерос, жумладан, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли муассаса ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш.,2018 йил 26 август)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш.,2018 йил 26 август)

2019-2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Департамент қошида тарих, меъморчилик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга бўлган 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассислардан иборат Илмий-эксперт кенгаш тузилди. Эндиликда, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг кўриқланадиган теграларида ер қозиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация ва бошқа хўжалик ишлари, асрашга доир ишларни амалга ошириш ҳамда илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ўтказишга оид лойиҳалар Илмий-эксперт кенгаш билан келишилиши лозим, бунда унинг хулосаси Департамент учун мажбурий ҳисобланади.

Маданий мерос жамғармаси ташкил этилиб, уни шакллантириш манбалари белгилаб кўйилди.

*Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонаси, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси, Хива «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси тегишлича «Бухоро», «Самарқанд», «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхоналари этиб қайта номланди. Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида тегишлича «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Кўкон» давлат музей-қўриқхоналарини ташкил этилади.*

Қарорга кўра ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига тарихий-маданий қийматига кўра киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланади ҳамда уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Департамент ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Давлат кўчмас мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ёки текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бириктириш Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолияти ташкил этилади, уларнинг қонун ҳужжатлари бузилишига оид муурожаатлари Департамент ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан мажбурий тартибда давлат назорати шаклида текширилади, бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аниқланса, жамоатчи инспекторлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан пул мукофоти билан тақдирланади.

**Усуллар.** Ўзбекистонда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида янгидан ташкил этиладиган «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Кўкон» давлат музей-қўриқхоналаридан музей туризмида фойдаланиш тадқиқотларини амалга оширишимиз лозим.

**Натижалар.** Тадқиқотлар натижалари бўйича хулоса қилганимизда Ўзбекистонда музей туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришда музейларимиздан фойдаланишни қуйидаги 2 йўналишда амалга ошириш мақсадли бўлади:

1. Ички музей туризмида музейлардан фойдаланишнинг ахборот-рекламалари ва экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш.

2. Халқаро музей туризмида музейлардан фойдаланишнинг ахборот-рекламалари ва экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш.

**1. Ички музей туризмида музейлардан фойдаланишнинг ахборот-рекламалари ва экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш анча муаммоли масала** ҳисобланади. Бу йўналишда дастлаб ички туризм бозорига ахборот-рекламаларини чиқаришимиз талаб қилинади. Чунки ҳозирги кунда музейларга экскурсияларни ташкил қилиш анча сусталашган. Музейларга экскурсиялар ташкил қилиш собиқ иттифоқ даврида давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, бу экскурсияларга мактаб таълими даги фанлар бўйича асосан мактаб ўқувчилари иштирок этишарди. Ўзбекистоннинг мустақиллик

йилларидаги эркин бозор тизимига ўтиш даврида давлат бюджети ҳисобидан мактаб ўқувчиларининг экскурсияларга чиқишини ташкил қилиш бутунлай тўхтаб қолди.

Сабаби музейлар экскурсияларини ички туризмда ҳам, халқаро туризмда ҳам ташкил қилиш муаммолари билан шуғулланувчи махсус туристик фирмалар, туристик ташкилотлар ҳанузгача ташкил қилинган эмас. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари музейлар маъмуриятининг ўқув дастурлари бўйича музейларга экскурсияларни ташкил қилишда давлат органлари ва мактаблар бошқарувлари билан умуман ҳамкорликни тўхтатиб қўйганлиги ҳисобланади.

Иккинчидан, музейларнинг раҳбарияти то ҳозиргача ўзларининг раҳбарлигидаги музейларнинг фаолиятлари ҳақида рекламаларни, музейлар билан таништирувчи телерадио ёки даврий матбуотларда чиқишларни қониқарли амалга оширишган эмас. Бу жуда таажубли ҳол ҳисобланади. Чунки музейлардаги турли-туман маълумотлар бошқа бирорта ташкилотда йўқ ҳисобланади. Учинчидан, музейларда ишловчилар бошқаларга нисбатан анча билимли, эҳтиросли, таъсирчан кишилардир. Чет давлатларда музейларнинг ходимлари қандайдир кичик элементлар ёки оддий воқеъликга эга бўлган манбааларни шов-шув даражаларида кўтариб чиқишади. Натижада музейларга оммавий туристик оқим кучаяди.

Ички музей туризмида музейлар экскурсияларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бизнингча қуйидагича бўлиши мақсадлидир:

1. Мактаб ўқувчилари учун музейлар экскурсиялари.
2. Мактаб ўқитувчилари учун музейлар экскурсиялари.
3. Алоҳида фан йўналишлари (тарих, география, биология, ботаника, адабиёт ва бошқ..) мутахассислари учун музейлар экскурсиялари.
4. Олимлар, тадқиқотчилар учун музейлар экскурсиялари.
5. Университет, институт ва коллеж талаблари учун ўрганилаётган фанлар бўйича музейлар экскурсиялари.
6. Катталар учун дам олишда-билим олиш музей экскурсиялари.
7. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» экскурсиялари.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ички туризмни жадал ривож лантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Ватанимизда ички туризмни ривожлантиришнинг истиқболли босқичини бошлади<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг миллий туризмни ривожлантиришдаги бу қарор Ўзбекистон халқларида ўз ватанини англаш, билиш ва ўрганиш, дам олиш, миллий ғурур ва ватанни севиш, унга меҳр-муҳаббатли бўлиш, табиати ва табиати бойликларини келажак авлодлари учун сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳис-туйғуларини шакллантиради.

Президентимиз мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ҳақидаги бу муҳим қарорни ўрганар эканмиз туризм соҳасидаги барча туристик фирмалар ва ташкилотлар, таълим тизимидаги барча фаолият йўналишларида самарали тадқиқотлар ва самарали ишлаш учун шу куннинг долзарб муаммоларини ечишнинг давлат миқёсидаги дастурлари, кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари, имкониятлари яратилганлигини, берилганлигини кўраимиз. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, туризм соҳасида фаолият юритаётганлигимиздан бу қарорнинг бажарилишига ўз ҳиссамизни қўшишга маъсул эканлигимизни англаймиз.

Бу мақсадга эришиш учун ватанимиздаги барча музейларнинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида тўлиқ тариф ва тавсифлари (манзили, тури, фаолияти, иш тартиби, яратилган шароитлар, экспонатлар ҳақидаги маълумотлар ва бошқ..) каталогини, интернет базасини яратишимиз талаб қилинади. Бу маълумотлар бўйича музей экскурсияларини ташкил қилувчилар, туризмдаги тадбиркорлар, мактаблар, лицейлар, коллежлар, институт

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш.,2018 йил 7 февраль,ПҚ-3514-сон

ва университетларнинг раҳбариятлари мамлакатимизнинг ҳар қандай музейларига қисқа вақтларда музей экскурсияларини ташкил қилиш имкониятларини беради.

Иккинчидан, музейларимизнинг раҳбарлари, ходимлари аҳоли марказларига, ташкилотларга, таълим тизимининг барча бўғинларига чиқишлари, келишувлар ва шартномалар тузиши, давра суҳбатларини ташкил қилишлари ҳозирги эркин бозорнинг зарур ҳаракатларидан ҳисобланади.

Учинчидан, қишлоқлардаги мактабларнинг раҳбариятлари қишлоқ лардаги иқтисодий жихатдан тўлиқ бўлган фермерлар, ишбилармонлар ва бойларни ўз қишлоғининг эртанги авлоди бўлган мактаб ўқувчиларини лоақал ватанимизнинг бирорта шаҳаридаги музейларга бепул экскурсиялар ташкил қилиб беришга чақириши лозим.

Тўртинчидан, таълимнинг барча тизимларига музейларни кўрсатиш талаб қилинадиган фанларнинг дастурларига “Музейлар-билим маскани”, “Музейлар тарихимиз”, “Ўзбекистон давлатининг тарихий тараққиёти”, “Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами”, “Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси”, “Ўзбекистоннинг машҳур фарзандлари”, “Ўзбекистоннинг машҳур адиблари” каби мавзулар киритилиши ҳам ёш авлодларимизнинг ватанимизга бўлган меҳрини, ғурурини, билимини оширади, комилликга ундайди.

**2. Халқаро музей туризмида музейлардан фойдаланишнинг ахборот-рекламалари ва экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш** жиддий талабларни қўяди. Бу талабларнинг биринчиси шундан иборатки, халқаро туристларни таклиф қилувчи музейда халқаро аҳамиятга эга бўлган экспонат ёки экспонатлар бўлиши керак. Бу экспонатларнинг ахборот–рекламаларини халқаро туризм бозорига чиқаришимиз лозим. Халқаро аҳамиятга, халқаро доврўкга эга бўлган музейларимиз ҳам кўп. Иккинчи талаб бўйича дунёга машҳур музейларнинг тажрибаларидан маълум бўлмоқдаки, билимли, зиёли халқаро туристлар албатда биринчи навбатда келган мамлакатнинг аҳолиси тараққиёти тарихи, миллий маданияти, урф-одатлари-яъни этнографияси билан қизиқишади. Қайд қилинган иккала талабнинг таҳлили натижалари шундан иборатки, ватанимиздаги барча музейларга халқаро туристларни ҳеч иккиланмасдан таклиф қилишимиз мумкин.

Умумжаҳон миқёсларидаги музейларимиздан халқаро миллий маданий мерос туризмида фойдаланишнинг энг янги технологияларини ишлаб чиқишимиз зарур. Халқаро миллий маданий мерос туризмида туристлар учун музей экскурсияларини Тошкент шаҳридаги Темурийлар тарихи давлат музейига, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, **Ўзбекистон амалий санъат музейига** мукамал равишда ишлаб чиқиш ҳам музейларимизнинг халқаро миқёслар даги шон-шухратини оширади. Бу музейга ватанимизга ташриф буюрган давлатларнинг бошлиқлари биринчи навбатда киришмоқда.

Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб” музейи, Қорақалпоғистондаги И.В.Савицкий номидаги давлат тарихий музейи дунёнинг ноёб экспонатларига бой музейлар ҳисобланади. Маълумки, Франгларнинг Лувр музейи инсонларнинг ташрифи бўйича дунёдаги биринчи ўринни эгаллаган музей ҳисобланади (йиллик ташриф 5 млн.). Франглар ва Америкаликлар эса Савицкий номидаги давлат тарихий музейини “Саҳродаги Лувр” деб аташади. Сўнги йилларда маълум бўлдики, Қорақалпоғистондаги И.В. Савицкий номидаги давлат тарихий музейини чет элликларнинг барчаси “Саҳродаги Лувр” деб аташмоқда. АҚШдаги машҳур “Метрополитен” музейи дунёда биринчилардан бўлиб бу музейни дунёнинг энг қизиқарли, инсоният тараққиёти билан боғлиқ тарихий экспонатлар бой музей деб тан олди. Бундай халқаро рекламалардан унумли фойдаланишимиз лозим.

**Муҳокама.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори<sup>1</sup> ватанимиздаги музейлар фаолиятини тараққиётга бошлайди. Бу тараққиётга қўшилиш учун музей туризмида музейлардан фойдаланишни

<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш., 2018 йил 26 август

ташкил қилиш ва ривожлантиришга жадал киришиш керак. Иккинчидан, мамлакатимизда сўнги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлодларнинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айтиш мумкин, дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф қилган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Музейларга аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талаба-ёшларни янада кенг жалб этиш, шу орқали уларда ўзликни англаш, Ватанни севиш туйғуларини камол топтириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилда мамлакатимиздаги ана шундай муассасаларда 1 минг 200 га яқин кўргазмалар, 73 мингдан ортиқ экскурсиялар уюштирилди. Аҳамиятлиси, йилнинг биринчи ярмида ушбу масканларга 18 миллиондан зиёд аҳоли ташриф буюрди. Уларнинг салмоқли қисми ёшлардан иборат экани ғоятда қувонарли.

**Хулоса.** Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Туризм бу ижтимоий-иқтисодий соҳа. Демак, даставвал унинг юқорида қайд қилинган соҳаларини, бу соҳаларнинг моҳияти, мазмунини, таркибини, унинг ривожлантириш режаларини, ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш лозим.

Матбуотдаги хабарларга қараганда ҳозирда мамлакатимиздаги туризм халқ хўжалигидаги 32 та тармоқлари билан ишламоқда. Бу тармоқлар қайсилар ва туризмнинг қандай соҳалари билан боғланган? Истикболи қандай? Бундай саволлар жуда кўп. Шунинг учун ҳам туризмни ривожлантиришдаги ҳозирги тадқиқотларимиз туризмнинг барча соҳалари бўйича аниқ тариф ва тафсифлар ишлаб чиқиш лозимлиги изоҳланди.

Туризмнинг турларини туризмдаги соҳаларга аралаштиришимиз туризмдаги соҳаларни, тармоқларни яхши билмаганлигимиз ҳисобланади. Масалан, қишлоқ туризми, экологик туризм ва зиёрат туризмларини ҳам туризмдаги соҳалар деб нотўғри тушунувчилар ҳам кўп. Бундай хулосалар мамлакатимиздаги туризм тадбиркорлигини, туризмга бўлган қизиқишни чалкаштириб юборади. Ваҳоланки, халқ хўжалигидаги ҳар бир тармоқнинг дастури, бошқаруви, ҳуқуқий-меъорий ҳужжатлари давлат томонидан тайёрлангандагина у соҳа дейилади, эркин ва тартиб билан ишлайди.

Шунинг учун ҳам, қайд қилганимиздек, мамлакатимизда туризмнинг янги турларини тўлиқ таҳлилий фарқларини изўхлашимиз, соҳани ривожлантиришни оммавий тарғиб қилиш, туризмдаги тадбиркорликни тўғри ташкил қилишимиз учун ҳам биринчи навбатдаги вазифамиз туризм соҳаларининг, турларининг тариф ва тавсифларини, унинг фаолият чегараларини яхшилаб билиб олишимиз лозим.

Натижада, музей экскурсияларини ташкил қилувчилар, туризмдаги тадбиркорлар, мактаблар, лицейлар, коллежлар, институт ва университетларнинг раҳбариятлари мамлакатимизнинг ҳар қандай музейларига қисқа вақтларда музей экскурсияларини ташкил қилиш имкониятларини, таълим тизимининг барча бўғинларига чиқишлари, келишувлар ва шартномалар тузиши, қишлоқлардаги мактабларнинг раҳбариятлари қишлоқлардаги иқтисодий жиҳатдан тўлиқ бўлган фермерлар, ишбилармонлар ва бойларни ўз қишлоғининг эртанги авлоди бўлган мактаб ўқувчиларини лоақал ватанимизнинг бирорта шаҳаридаги музейларга бепул экскурсиялар ташкил қилиш қолаверса, ёш авлодларимизнинг ватанимизга бўлган меҳрини, ғурурини, билимини оширади, комилликга ундайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш.,2018 йил 26 август)

3. Самаров Х.Қ, Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда миллий мерос бойликларидан фойдаланишнинг истикболли йўналишлари, Phd. автореферати, Самарқанд, 2023, 64 б.

4. Қаҳҳоров Ж.А., “Ўзбекистонда гастрономия туризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари”. “СЕРВИС” илмий-амалий журнали, 2019 йил. №3-сон. 83-88 б.

5. Урунбаева, Ю. П. (2013). Хизмат курсатиш соҳдси ва аҳоли турмуш даражаси: узаро боғлиқлиги ва ривожланиш истикболлари. *Монография. Тошкент: «ФАН», 156.*

6. Урунбаева, Ю. (2016). Роль сферы услуг в социально-экономическом развитии страны. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 38-46.

7. Урунбаева, Ю. П. (2016). СФЕРЫ УСЛУГ И УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. *НАУКА СЕГОДНЯ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ* (pp. 97-99).